

11-11-2019

## ANTONIMO-SYNONYMIC RELATIONSHIPS IN THE UZBEK LANGUAGE (AT THE HEART OF THE WORDS “HIBATUL HAKOYIK”)

Nasiba Sayidmahamadovna Sayidrahimova

*Tashkent State University of the Uzbek language and literature after named Alisher Navoi Doctor of Philosophy, Associate Professor*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Sayidrahimova, Nasiba Sayidmahamadovna (2019) "ANTONIMO-SYNONYMIC RELATIONSHIPS IN THE UZBEK LANGUAGE (AT THE HEART OF THE WORDS “HIBATUL HAKOYIK”)," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 11 , Article 22.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss11/22>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

---

## ANTONIMO-SYNONYMIC RELATIONSHIPS IN THE UZBEK LANGUAGE (AT THE HEART OF THE WORDS “HIBATUL HAKOYIK”)

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2019 йил 11 сон**

**ЎЗБЕК ТИЛИДА АНТОНИМО-СИНОНОМИК МУНОСАБАТЛАР  
(“ҲИБАТУЛ ҲАҚОЙИҚ” АСАРИ ЛЕКСИКАСИ МИСОЛИДА)**

Сайидирахимова Насиба Сайидмахамадовна

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети  
филология фанлари номзоди, доцент

**Аннотация:** Мақолада ўзбек тилида антонимо-синонимик муносабат умумкатегориал бирлик сифатида талқин қилинади, тилишуносликда умумкатегориал бирлик сифатида номловчи: “антонимо-синономик блок”, “синонимо-антонимик блок”, “синономик қаторлар антонимияси”, “антонимик қарама-қаршиликлар синонимияси” “антонимик уя” тушунчалари “Ҳибатул Ҳақойиқ” асари лексикаси мисолида илмий асосланади ва таҳлил қилинади.

**Калит сўзлар:** антонимо-синонимик муносабат, лингвистик парадигма, лексемалар ўртасидаги валентлик, гипо-гиперонимик муносабатлар, градуонумия, партонимия, умукатегориал парадигма, “антонимо-синономик блок”, “синонимо-антонимик блок”, идеостиль.

**АНТОНИМО-СИНОНИМИЧЕСКИЕ ОТНОШЕНИЯ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ  
(НА ПРИМЕРАХ ЛЕКСИКИ «ХИБАТУЛ ХАҚОЙИҚ»)**

Сайидирахимова Насиба Сайидмахамадовна

Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени  
Алишера Навои  
кандидат филологических наук, доцент

**Аннотация:** В статье рассматривается антонимо-синонимическое отношение в узбекском языке как общекатегориальная единица, а также трактуются и анализируются понятие называемые как общекатегориальными единицами: «антонимо-синонимный блок», «синонимо-антонимический блок», «синоним анонимных линий», «антонимические синонимы» на примере лексики «Хибатул Хақойиқ».

**Ключевые слова:** антонимо-синонимические отношения, лингвистическая парадигма, валентность между лексемами, гипо-гиперонимика, градуонимия, партонимия, общекатегориальная парадигма, «антонимо-синонимический блок», «синонимо-анонимический блок», идеостиль.

**ANTONIMO-SYNONYMIC RELATIONSHIPS IN THE UZBEK LANGUAGE  
(AT THE HEART OF THE WORDS “HIBATUL HAKOYIK”)**

Sayidirahimova Nasiba Sayidmahamadovna

Tashkent State University of the Uzbek language and literature  
after named Alisher Navoi

Doctor of Philosophy, Associate Professor

**Abstract:** The article interprets the antonymy-synonymic relation in the Uzbek language as a unit of the general category, and also examines and analyzes concepts called units of the general

category: “antonymy-synonymic block”, “synonymy-antonymic block”, “lines of synonymy-antonyms” “synonyms” for example, leksems “Hibatul Nakoyik”.

**Keywords:** *antonym-synonymic relationships, linguistic paradigm, valency between leksems, hypo-hyperonymy, graduonymy, partonymy, general category paradigm, “antonym-synonymic block”, “synonym-anonymous block”, ideostyle.*

Узоқ йиллар мобайнида тилшуносликда синонимия ва антонимия ҳодисалари алоҳида лингвистик ҳодиса сифатида талқин этиб келинди. XX асрнинг 70-йилларида ўзбек тилшунослигига ситем-структур тилшуносликнинг татбиқ этилиши ва натижада тил бирликларини муайян тизим, аниқроғи, парадигмада ўрганилиши натижасида тил ҳодисаларини ўрганишга бўлган бошқача ёндашувнинг бошланишига тўртки бўлди. Бундай ёндашув лексик семантикада ҳам ўз аксини кўрсатди. Бироқ шундай бўлишига қарамай, семантикада синонимия ва антонимия ҳодисалари айро ҳолатда ўрганиш ҳали ҳануз давом этмоқда.

Айтиш жоизки, лексиканинг семантик тавсифи масаласи ҳамма вақт лингвистика илмининг долзарб ва ўта муҳим вазифаларидан бири бўлиб келган. Сўнгги йилларда тилшуносликда мазкур муаммони илмий ҳал этишнинг замонавий ечими лексик бирликни яқка ҳолда эмас, балки бир мунча кенг доирада (сўзлар гуруҳи олиниб) талқин этилаётганлиги билан характерланади.

Ўзбек тилшунослигида лексикология соҳасида қўлга киритилган сўнгги ютуқлар–лексемалар ўртасидаги валентлик масаласининг ўрганилиши, лингвистик майдон назарияси, гипе-гиперономик муносабатлар, градуономия, партономия ҳодисаларининг талқин этилиши фикримизнинг айни далилидир.

Шу кунгача тилшуносликда синоним ва антоним сўзлар айро ҳолда ўрганилиб келинганини кўришимиз мумкин. Бизнингча, бу ҳодисалар биргаликда, яъни анотонимо-синономик муносабатлар сифатида қаралса ҳам анча кенг ҳулосаларга олиб келиши мумкин. Тилшунослик тарихига назар ташлайдиган бўлсак, тилшунос олимлар синоним ва антоним сўзлар ўртасидаги ўзаро алоқадорликка бир неча бор ишора қилганликларини кўришимиз мумкин. Хусусан, Л.А.Введенская [1], Л.А.Новиков [2] ва В.А.Иванова [3] каби бир қатор тадқиқотчиларнинг ишларида синоним-антонимик муносабатлар бирлигига бўлган ёндашув ва мазкур ҳодисани ўрганишга бўлган дастлабки ҳаракатлар кузатилади. А.А.Уфимцева, А.А.Бартина, Ю.Д.Апресян, И.Л.Филонко ва Н.Г.Свистуноваларнинг ишларида эса синономик ва антонимик муноабатларни биргаликда ўрганлигини кўриш мумкин [4].

Антонимо-синономик муносабатлар бирлигини ўрганиш нафақат семасиология, балки лексикология учун ҳам ўта долзарб ва муҳим саналади, чунки бундай ёндашув орқали муайян тил лексикасида семантик муносабатлар изоляциялашган - алоҳида ҳолатда эмас, балки уларнинг диалектик бутунлиги, яқдил бирлик сифатида талқин этилиш имкони яратилади. Бундай ёндашув, айни дамда, лексикография учун ўта муҳим саналиб, сўз маънолари ўртасидаги семантик яқинлик ва қарама-қарши зиддик муносабатларни ифодаловчи махсус луғатларни

яратишга бўлган амалий эҳтиёжни ҳал этишда ҳам ўзига хос имкониятларини беради.

Шунингдек, сўзларнинг ўзаро семантик яқинлиги ва сўз семантикасидаги зидлик мунобатларини ўзаро узвийликда ўрганиш лексик семантика категорияларининг яширин (у қадар эътибор бирилмаган) хусусиятларини очишга ҳам ёрдам беради. Шунини қайд этиш лозимки, синономик ва антонимик муносабатларни ўзаро узвийликда ўрганиш лексик сатҳдаги систем муносабатлар масаласи билан ҳам алоқадор саналади ва мазкур масала тилшуносликда тўла ечимига эга бўлмаганлиги билан характерлидир. Синономик ва антонимик муносабатларни умумкатегориал парадигмада умумназарий жиҳатдан тадқиқ этишда юзага келадиган қийинчиликлар, бизнингча, синоним ва антонимларнинг ички дифференциал томонлари етарли даражада мукамал ўрганилмаганлиги билан ҳам боғлиқдир.

Мазкур мақолада сўзларнинг семантик муносабатларидаги маъно яқинлиги ва семантик қарама-қаршилиги масаласини имкон қадар ёритишга ҳаракат қиламиз.

Шу кунгача яратилган ишларда синономия ва антономия ҳодисаларини ўрганиш нафақат тил, балки нутқий аспект, аниқроғи, бадиий нутқ таркибида тадқиқ этилди.

“Антонимия” ва “синонимия” тушунчалари ўзаро узвий боғлиқ, яъни бир лексик бирлик семантик жиҳатдан бошқа лексемалар билан ўзаро боғлиқлик ҳосил қилса-да, айни дамда бошқа лексемалар билан антонимик жуфтлик ҳам ҳосил қилиши мумкин. Тилшуносликда уларни умумкатегориал бирлик сифатида номловчи турли: “антонимо-синономик блок” , “синонимо-антонимик блок” [3;68], “синономик қаторлар антонимияси”, “антонимик қарама-қаршиликлар синонимияси” “антонимик уя” [6] сингари қатор атамалар қўлланилганлигини кўришимиз мумкин. Мазкур мақолада биз Ю.В.Федосовнинг атамасига мувофиқ “антонимо-синономик блок” тушунчасини қўллаймиз ва бундай тушунча остида антоним ва синонимларни умумкатегориал бирлик сифатидаги имкониятини очишда иккита синономик қаторга эга бўлган ҳамда умумий градуал мазмунни умумлаштирувчи антонимик жуфтликларни назарда тутамиз.

Исталган “антонимо-синонимик блок” муайян лексик-семантик гуруҳ таркибига киради ва айни дамда мазкур блокнинг ўзи семантик майдон хилма-хиллигини ҳам намоён этади.

Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул Ҳақойиқ асарида бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Масалан,

*Тангрим тунни, кундузни яратди (у) шарқдан зарбга томон ўтиб, бир-бири билан алмашиб туради. Тунингни кундузга, кундузингни тунга ўзгартириб яна тонг орттирди (233-б.).*

Мазкур гапда *тун-кун – эрта-кеч: шарқ-зарб; жануб-шимол* каби лексемалар ўзаро антонимик жуфтликларни ҳам ҳосил қилади, шунингдек, бир вақтнинг ўзида матн таркибида улар (*Тангрим тунни, кундузни яратди*) контекстуал синономияни ҳосил қилишини ҳам кўришимиз мумкин.

Антонимо-синонимик муносабатларни бир парадигмада ўрганиш ёзувчининг идиостили, услубидаги тил ўзгачалигини ёритиш имконини беради. Б.А.Лариннинг таъкидлашича, муаллиф услуби “унинг фақат сўз танлаши ва қўллаши билангина эмас, балки сўз занжири композициясини таъминлаш ва сўзларни умумлаштира олиш қобилиятига ҳам боғлиқдир” [7]. Бундай жараённи амалга ошириш эса, албатта, антонимлар, синонимлар ҳисобига амалга оширилади.

Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул Ҳақойиқ” асаридаги қуйидаги сатрларда:

*Жонли-жонсиз, борлиқ учган-югурган,*

*Сенинг борлиҳингга гувоҳлик берган...*

морфологик кўрсаткичлар асосида **жонли-жонсиз** антонимик жуфтлигини ҳосил қилинган ва **учган-югурган** (ўзбек тилининг этимологик луғатида **жонли** сўзининг биринчи маъноси ўсиш-ўзгариш, яшаш фаолияти **бор / йўқ**; иккинчи маъноси эса **тирик / ўлик** деб изоҳланади) “**учмоқ**” сўзи **учмоқ** (кўтарилмоқ) / **қўнмоқ** (тушмоқ) сўзи билан антонимик жуфтлик ҳосил қилса, матн таркибига мазкур **учган, югурган** контекстуал синонимлари орқали тирик мавжудотларга ишора қилиниши билан биргаликда, уларнинг семаларидаги зидланишни ҳам тақозо этмоқда.

Бизнингча, антоним ва синонимларнинг ўзаро бирлиги, яъни парадигматик спецификаси турли факторларга боғлиқ саналади. Биринчидан, мазкур бирликларни парадигмага олиб келиш, асосан, оғзаки нутқ ва нутқий амалиётнинг диалектал кўриниши учун характерли ҳисобланади. Иккинчидан, турли ареалга тегишли сўзларни муайян лаҳжа ва бадий матнда қўллаш, синонимик қаторнинг кенгайтилиши ва улар ўртасидаги антонимик аттракциянинг юзага келишига сабаб бўлади. Учинчидан, турли хил квазиантонимларнинг кўпайиши эса меъёрлашмаган оғзаки сўзлашув нутқи, шунингдек, диалектал нутқнинг ўзгачалигини таъминлайди. Бундан ташқари, ташқи меъёрлаштирувчи факторларнинг мавжуд эмаслиги ҳам бевосита сўзловчилар нутқида синонимо-антонимик оппозицияларнинг вариантлашишига олиб келади. Бадий матн таркибида эса муаллиф мазкур ҳолатларни эмоционал-экспрессивликни таъминлаш мақсадида билвосита ва бевосита амалга оширади. Масалан:

*Раиятга хушмуомала, шафқатли,*

*Ҳазаб қилса арслон каби даҳшатли.*

*Умардек салобат ва қуввати бор,*

*Усмондек саховат ва ҳиммати бор. Булутлар уялур саховатидан,*

*Душманлар қўрқади важоҳатидан.*

*Шоҳим, саноҳи йўқ фазилатларинг.*

**Хушмуомала** → **шафқатли** → **даҳшатли** – контекстуал синонимия ва айни дамда **даҳшатли** лексемаси билан квазиантонимни ҳосил қилмоқда. Худди шунингдек, матн таркибидаги **Умардек салобати** → **Усмондек саховати** → **ҳиммати бор** дея ижобий фазилатларнинг саналиши билан бирга контекстуал синонимия ва айни дамда **Умар**→**Усмон**, **саховат**→**ҳиммат** лексемалари **важоҳат** лексемаси билан зидлантирилиши асосида квазиантонимни ҳосил қилмоқда. Ёки

*Билимли кишилар тилла динордур,*

*Илмсиз, жоҳил одам эл ичра хордур.*

Билимли хотинлар эркак билан тенг,  
Илмсиз эркакни мисли хотин, денг.

Ушбу ҳолатда эса **билимли** → **илмсиз** сўзлари аслида антонимик қатор семаларидаги градуонимияни ҳосил қилишига қарамай, матн таркибида улар *тилла динор / эл ичра хор* бирикмаларининг зидланиши туфайли квазиантонимнинг юзага келишига йўл очган. Ёки

**Оқил** ишин билиб қилар, **ўқинмайди**,  
**Нодон** каби пушаймонда **сўқинмайди**.

Тўхри сўз **асалдур**, сен **асал** егил,  
Ёлҳон сўз айтмайман, **саримсоқ**, дегил.  
Ёлҳон сўз **касаллик**, ташвиш келтирур,  
Тўхри сўз **шифодур**, дардинг кетирур.

Берилган матн таркибида эса **оқил / нодон; ўқинмайди / сўқинмайди** лексемаларининг қўлланиши антонимик жуфтликларни ҳосил қилиши билан биргаликда улар матн таркибидан **ўқинмайди, сўқинмайди** сингари контекстуал синонимия ҳодисасининг юзага келишини таъминлаётганлигини ҳам кўришимиз мумкин.

Шунингдек, қуйидаги ҳолатда ҳам **қайнар** → **кўпаяр** → **озаяр** → **туғар** лексемаларининг қўлланилиши контекстуал антонимия - квазиантонимлар ва синонимиянинг юзага келишига йўл очганлигини кузатишимиз мумкин.

Ҳасад оловида қозондай **қайнар**.

Ахир зар **кўпаяр, озаяр, туғар**,

Ризқингни Тангрининг бир ўзи **туғар**.

Хулоса қилиб айтганда, биз антонимо-синонимик парадигма тушунчасини баъзан ўзида синонимик қаторни тақозо этувчи ва синонимик қатор таркибига кирмайдиган ҳамда баъзи ҳолатда синонимик қатор таркибига кирса-да, бироқ нуқий жараёнда антонимик муносабат кашф этиши мумкин бўлган лексик-семантик гуруҳни назарда тутамиз. Мазкур ҳодисалар эса, юқорида қайд этганимиздек, муаллифнинг идиостили ва нутқий вазиятга боғлиқ бўлган қатор омиллар асосида юзага келади. Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул Ҳақойиқ” асаридан эса бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Бироқ шуни унутмаслик керакки, назаримизда, антонимо-синонимик парадигма аъзолари ўртасидаги антонимик муносабатлар белгисини аниқлашда ҳамма вақт лексемаларнинг узул ва матн таркибидаги оккозионал маъноларига таянган ҳолда иш тутмоқ лозим бўлади.

#### References:

1. Vvedenskaya L.A. Antonimi, neotnositelnie v ponyatiynom plane. V kn.: Paradigmaticheskie i sintagmaticheskie otnosheniya v leksike i frazeologii.– Rostov na Donu, 1981.
2. Novikov L.A. Semanticheskii analiz protivopolojnosti v leksike: prinsipi, aspekti, metodi. Nauch. dokl. vissh. shkoli. –M.: Filol. nauki, 1973, -№ 3, str.55-67.
3. Ivanova V.A. Sinonimo-antonimicheskie bloki. -V kn.: Voprosi grammatiki i leksikologii russkogo yazika. -Kishinev, 1979 . str. 61-76.



4. Filonenko L.I. Antonimicheskie otnosheniya mejdu sinonimicheskimi ryadami.- V kn.: Aktualnie problemi leksikologii. -Novosibirsk, 1971. str.152-153.
  5. Fedosov YU. V. Prinsipii postroeniya ideograficheskogo antonimo-sinonimicheskogo slovarya russkogo yazika: monografiya / YU. V. Fedosov. -Volgograd: Peremena, 2001. -S.190.
  6. Lvov M. R. Slovar antonimov russkogo yazika. 8-e ster. izd. -M. : AST–Press kniga, 2006. –С.592 .
  7. Larin B.A. Estetika slova i yazik pisatelya. -L.: Xudojestvennaya literatura, 1974.-S.285.
- Ahmad YUgnakiy. Hibatul Haqoyiq. (Haqiqatlar sovg'asi).  
[www.ziyouz.com.kutubxonasi](http://www.ziyouz.com.kutubxonasi). Qadimgi turkchadan Bahrom G'oyib tarjimasi.–T., 2002.

МУНДАРИЖА

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ

01.00.00

ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ

PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES

- 1 Асимптотическая минимаксность линейно-ядерных оценок функции распределения  
Абдушукуров, А. А, Муминов А.Л..... 3
- 2 Trajectories of quadratic operators which map  $I_2$  to itself  
Juraev I.T..... 10
- 3 Maple tizimida parabolik turdagi xususiy hosilali differensial tenglama uchun aralash masalani to'rt usulida yechish  
G.A.Nazarova, Z.O. Arziqulov..... 19
- 4 Краевая задача для уравнения четвертого порядка с сингулярным коэффициентом в прямоугольнике  
Уринов А.К, Азизов М.С..... 26

КИМЁ ФАНЛАРИ

02.00.00

ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ

CHEMICAL SCIENCES

- 5 Охытропис *Rosea* о'симлигининг Efir Moylari Tarkibi  
Sulaymonov Sh, Abdullayev Sh, Qoraboyeva B..... 38
- 6 Уйғунлаштирилган ярим даврий усулда натрий карбоксиметилцеллюлоза олиш  
Сайпиев Т.С, Абдуллаев А.М..... 42

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

03.00.00

БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ

BIOLOGICAL SCIENCES

- 7 Фарғона водийсида тарқалган дўлана (*grataegus* L.) ўсимлигининг микромицетлари ва касалликлари  
Абдуразақов А.А, Юсуфжон Ғ. Ш..... 50
- 8 Анатомическое строение ассимилирующих органов *eruca sativa* mill. (сем. brassicaceae) при интродукции в Сурхандарьинской области  
Муқимов Б.Б..... 56
- 9 Энергетический потенциал гумуса сероземов  
Юлдашев Г, Хайдаров. М..... 62
- 10 Регуляция влияние 6"-п-кумароилпрунина на энергетической функции митохондрий с ионами кальция  
Мамажанов М ..... 67
- 11 Ғўзанинг *El-Salvador* ёввойи шаклида морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларини назорат қилувчи номзод генларни аниқлаш  
Комилов Д.Ж., Бахрутдинова Н.З., Орипова Б.Б. , Кушанов Ф.Н..... 72

**05.00.00** **ТЕХНИКА ФАНЛАРИ**  
**ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ**  
**TECHNICAL SCIENCES**

- 12 Robotni harakatini amalga oshiruvchi arduino platformasi  
Abdullayeva Sh.I..... 79
- 13 Ахборот хавфсизлигига бўладиган таҳдидлар ва уларнинг таҳлили  
Ғаниева Ш.Н, Азимжонов У.А., И.А. Қосимов..... 84

**07.00.00** **ТАРИХ ФАНЛАРИ**  
**ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ**  
**HISTORICAL SCIENCES**

- 14 Давлат–тарихий-маданий анъаналар ташувчиси сифатида  
Жўраев А.Т..... 89

**09.00.00** **ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**  
**ФИЛОСОФИК ИЛМ НАУКИ**  
**PHILOSOPHICAL SCIENCES**

- 15 Ma'kurani tahlil etishning o'ziga xosligi  
Mamatov O.V..... 95
- 16 Кечиримлилик: фалсафий-ирфоний таҳлил  
Исақова З.Р..... 99
- 17 Инсон тақдирини англашдаги диний-фалсафий қарашлар ривожини  
Мадримов Ж.Б..... 107
- 18 Сўфийлик таълимоти ривожини Азизиддин Насафий илмий меросининг ўрни  
Мамамов М.А..... 116
- 19 Жамиятимиз янги тараққиёт босқичида хотин-қизларнинг инновацион  
(тадбиркорликка йўналтирилган) фаоллигини  
Ғаниев Б.С..... 122
- 20 Huquqiy munosabatlarning ma'naviy jihatlari  
Sultonov A.X ..... 129
- 21 Таълим-тарбия – тараққиёт пойдевори: ижтимоий-фалсафий талқин  
Амирхўжаев Ш.Қ..... 135

**10.00.00** **ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**  
**ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ**  
**PHILOLOGICAL SCIENCES**

- 22 Ўзбек тилида антоним-синоним муносабатлар (“Ҳибатул ҳақойиқ” асари  
лексикаси мисолида)  
Сайидирахимова Н.С..... 142
- 23 Matn birliklari  
Omonov A ..... 147
- 24 Муаллиф ва таржимон ўртасидаги руҳий ўхшашликлар ва таржима сифати  
Будикова М.Х..... 151

25	Ўзбек тилидан инглиз тилига бадий таржиманинг лингвомаданий таҳлили (Абдулла Қаҳҳорнинг “Анор” ҳикояси таржимаси мисолида) Досбаева Н.Т.....	157
26	Дейктик белгили сегмент қурилмалар прагматикаси Умурзоқова М.Э.....	163
27	“Минг бир қиёфа” романида замонавий аёл муаммоси Азизов Н.Н.....	168
28	Николас Роу ижодида “Амир Темур” тасвири Бобаханов М.Я, Турсунов А.Х.....	172
29	Ҳозирги ўзбек шеъриятида исёнкор руҳ ғоялари Тажибаева Д.....	177
30	Янги тушунчаларни ифодалаш усуллари Лазиза С.Х.....	182
31	Туркий халқлар адабиётида навоий анъаналари Рузибоев Т.....	186
32	Лисоний шахс типларини ажратиш принциплари Ниязова Д.Х.....	193
33	Источниковедческий анализ тазкире “Канз аль-куттаб” Ас-Саалиби Сулаймонова Х.М.....	196
34	Chet til ta`limda madaniyatlararo tafovut masalalari Abduqodirov U.N.....	201
35	Психо-аналитик тасвирнинг миллий колорит яратишдаги аҳамияти Мардонова Л.У.....	207
36	Метонимия асосидаги иборалар Қўчқарова О.А.....	211
37	Национально-культурная специфика английских и русских слов Джуманазарова З.....	215
38	Сухайлий шеъриятининг жанр хусиятлари Болтабоева О.Ю.....	219
39	Ижтимоий тармоқ контентни тижоратлаштириш воситаси сифатида Бекназаров К.Т.....	223

13.00.00

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**  
**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ**  
**PEDAGOGICAL SCIENCES**

40	Boshlang'ich sinf o'quvchilarida sog'lom turmush tarzini shakllantirishda sayyohlik va turizmni ahamiyti Boltaboyev N.N.....	231
41	Jismoniy tarbiya tizimida sog'lom turmush tarzini shakllantirish usullari Azizov N.N, Azizov M.M.....	236
42	Sports lesson - time requirement Mikheeva A.....	240

43	Талабаларнинг ижодий фаолиятларини шакллантириш омиллари Умаров Қ.Б, Усманова Н.Қ.....	245
44	Qizlar jamoalari bilan ishlaydigan murabbiylar faoliyatining o'ziga xos xususiyatlari Azizova R.I.....	249
45	Метод shadowing в обучении языкам Жалолов Ш.....	252
46	Yosh avlodni barkamol qilib tarbiyalashda harakatli o'yinlarning ahamiyati Ismoilov T, Ismoilov G'.....	257
47	How to develop listening skills for students Nazarova Y.X.....	262
48	Мактабгача таълимда ахборот технологиясидан фойдаланишнинг назарий таҳлили Ботирова З.А.....	266
49	Ўқув жараёнида “бумеранг” методидан фойдаланишда вужудга келадиган муаммолар ва уларни олдини олиш йўллари Отамирзаев О.У, Зокирова Д.Н.....	270
50	Формирование лексических навыков в английском языке в средних школах Ботирова З.Х.....	274
51	Mavhum (abstrakt) san'atning miya faoliyati va tarbiya bilan o'zaro bog'liqligi Isafov A.A.....	279
52	Физика ўқитувчисининг таълимга Инновацион ёндашуви Бекназарова З.Ф.....	282
53	Бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантириш моделини такомиллаштириш Қамбаров М.М.....	286
54	Характерида истерик белгилар бўлган болалар тоифалари ва уларни ўқитиш Хусанов А.А.....	293
55	Boshlang'ich ta'limda innovatsiyaning ro'li Махмудова Н.А.....	298
56	Malakali gandbolchilarning musobaqa faoliyatini o'rganish Azizov S.V.....	302
57	Таълимда ижодий ўйинлар Тажибоева Г.М.....	306
58	Мактабгача таълимда ривожланиш марказларини ташкил этиш муаммоларига доир Ўринова Ф.Ў.....	311
59	Тадбиркорлик фаолиятида умумахлоқий меъёрларнинг ўрни Эргашева Ф.И.....	316
60	Особенности преподавания математики гуманитариям Устаджалилова Х, А.....	321
61	Талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантириш технологиялари Тилеуов Э.М.....	326

62	О'quvchi-yoshlarni faollik asosida ijtimoiy hayotga tayyorlash masalalari Abdullayeva N, Rahmonova Z.....	332
63	Оилада болаларнинг ижтимоий- ахлоқий сифатларини шакллантириш омиллари Ортиқова З.Н.....	335
64	Эффективность модели управления развитием международного сотрудничества высшего образовательного учреждения Юнусов Ш.Т.....	338
65	Alternative assessment as a means to develop study skills in esp classes in higher educational settings Kuchkarova Yana.....	343
66	Интеллектуальные компьютерные игры – как способ улучшения учебы детей Нажмиддинова Х.Ё.....	348
67	Кимё тарихи маълумотларидан фойдаланиш талабалар билим олишининг сифат ва самарадорлик омили Нишонов М, Холмирзаева З.....	351
68	Малака ошириш жараёнида информатика ўқитувчиларини ижодий тафаккурини ривожлантириш механизми Ахмедова Ш.....	356
69	Кластер ёндашуви асосида минтақавий таълим тизимини бошқариш Тоштемирова С.А.....	361
70	Олий таълим муассасаларида математикадан замонавий ўқув машғулотларини ташқил этиш – таълим жараёнидаги инновацион технологиялардан бири Зулфихаров И.М., Ўринов Б.О.....	367
71	Бўлажак тарбиячиларда ижодкорлик сифатларини ривожлантириш Қодирова З.....	371